# Qishloq hayoti

2013 йил
Обод турмуш йили

Қишлоқ хаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 15-FEVRAL, JUMA, 20 (8101)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.




2013 йилда катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қилаётган деҳқонлар баҳорги шудгор ва экин-тикин ишларига тайёргарликни пишиқ-пухта амалга оширишмоқда. Уюшмада 72 та культиватор, 17 та ҳайдов трактори, мавжуд сеялка ва бороналар тўла таъмирдан чиқарилиб, тахт ҳолга келтириб қўйилди. 2



Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳаларни янада такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ва молия муассасалари томонидан уларга йўналтирилаётган сармоялар бугунги кунда ўз самарасини бераётир. Асосийси, қўшимча иш ўринлари ташкил қилиниб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланишига эришилмоқда. Бу жараёнга “Агробанк” ОАТБ ҳам муносиб улуш қўшмоқда. 2



Сурхондарё вилоятида болалар спорти иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили Музработ, Шўрчи, Олтинсой туманларида замонавий меъморий ечимга эга болалар мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув-йиғув пунктида Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарорига кўра муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни армияга тантанали кузатиш маросими ўтказилди.

► **Сирдарё вилоятида Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Микрокредитбанк”нинг Сирдарё вилояти бўлими ҳамкорлигида “Аёл тадбиркор бўлса...” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчиларининг тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар, ҳуқуқий кафолатлар, кредит олиш тартиб-тамойиллари бўйича берган саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.**

► Дубай шаҳрида каратэ бўйича болалар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 23-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Сардор Яҳёев олтин медални қўлга киритди. Қирқдан зиёд давлатдан мингдан ортиқ спортчи иштирок этган нуфузли мусобақада ўн уч ёшли иқтидорли спортчимиз Грузия, Фаластин, Бирлашган Араб Амирликлари ва Миср каратэчиларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қорақалпоғистон Республикаси



## ТАЛАБГА МУНОСИБ ТАКЛИФ

**Мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб, замонавий, қулай, шинам шароитда яшашга бўлган қизиқиши ва интилиши тобора ортмоқда. Шунга кўра истеъмол бозорида ҳам айнан замонавий уй жиҳозларига ҳамда маиший техника воситаларига талаб кучайиб бораётир.**

Қорақалпоғистон Республикаси марказидаги «Нукус артел сервис» масъулияти чекланган жамияти ана шу талабни ўрганган ҳолда аҳолига савдо хизмати кўрсатиб келмоқда.

2011 йилда иш бошлаган мазкур корхона асосан сифатли алюмин ва пластика профилидаги маҳсулотларни, «Artel» компаниясида ишлаб чиқарилган маиший техника воситалари – телевизорлар, музлаткич ва кондиционерлар, электр лампаларни нисбатан арзон нархда истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Бу ерда 12 киши доимий иш билан банд.

**СУРАТДА:** *«Нукус артел сервис» масъулияти чекланган жамияти ишчилари Бахит Бердимуратов ва Баҳодир Саипназаров.*

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Наманган Вилояти

▼ МЕЛИОРАЦИЯ

## МЎЛ ҲОСИЛГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ 277 МИНГ ГЕКТАРДАН ОРТИҚ СУҒОРИЛАДИГАН ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТИ ТУРЛИЧА. БУ ЕРДА ҚИР-АДИРЛИКЛАР, ТОШЛОҚ, ШЎРХОК ВА ҚУМЛОҚ ЕРЛАРДАН ЎЗЛАШТИРИБ ОЛИНГАН ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ҲАМ БОРКИ, УШБУ МАЙДОНЛАР АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ ЎЗИГА ХОС ШАКЛДА ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. ЖУМЛАДАН, СИРДАРЁНИНГ ЧАП ҚИРҒОҚ МИНТАҚАСИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН МИНГБУЛОҚ, ПОП ҲАМДА ҚИСМАН ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ ШЎРИНИ ЮВМАСДАН ТУРИБ, УНДАН МЎЛ-КЎЛ ҲОСИЛ ОЛИБ БЎЛМАЙДИ.**

– Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бўйича қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ижроси юзасидан вилоятимизда бир қатор ишлар амалга оширилди, – дейди “Норин–Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Баҳодир Охунов. – Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2008–2012 йиллар мобайнида умумий узунлиги 173,4 километрли коллектор-дренаж тармоғи ҳамда 2 та мелиоратив насос станциясини реконструкция қилиш, 2 та мелиоратив тик қудуқни янгидан бунёд этиш, 71 та мелиоратив тик қудуқни реконструкция қилиш ишларига давлат бюджетидан 10927,4 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 25 минг гектарга яқин экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, пахта ва ғалла ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 2-3 центнерга ошди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**2013 йил 14 февраль куни депутатлар Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига биринчи ўқишда киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни давом эттирдилар. Мажлис жараёнида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.**



Қонунчилик палатаси мажлисида алоҳида таъкидландики, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида ННТ ва бошқа фуқаролик институтларининг ролини янада ошириш демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига уйғунлаштириш бўйича қўйилган мақсадни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти демократик қадриятларни, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлиб, фуқаролар ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратади, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлаб туришга кўмаклашади.

Депутатларнинг фикрича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалланинг вазифаларини кенгайтириш жараёнларини янада қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш ҳамда унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш масалалари жиддий эътибор қаратишни талаб қилади.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтиришга, уларнинг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтиришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилгандир.

Хусусан, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилмоқда. Шунингдек, маҳаллалар тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш бўйича ваколатлар олиши назарда тутилган бўлиб, бу маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни хоҳловчиларни ўқитиш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил этади, тадбиркорлик фаолияти субъектларини мавжуд имтиёзлар ва бериладиган афзалликлар ҳақида хабардор қилади, ёшларни ишга жойлаштиришга, уларнинг ташкилотлар ва ҳунармандларга бириктириб қўйилишига кўмаклашади.

Янги таҳрирда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширишини, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлашини, фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи кишиларни иш билан таъминлашини белгилаб қўйиш таклиф этилмоқда.

Мажлисда таъкидландики, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири фуқаролик жамияти институтларини янада шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳужжат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раислари сайлови тизимини янада такомиллаштиришга, уларни ўтказиш сифатини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ошкораликни оширишга, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда маҳалланинг аҳамияти ва ролини оширишга доир чора-тадбирлар қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилишини назарда тутади.

Лойиҳада фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қўйиладиган бир қатор қўшимча талаблар, хусусан, камида беш йиллик ўтроқлик цензи, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёхуд хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиш зарурлиги белгилаб қўйилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чора-тадбирларини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)




Бухоро Вилояти

## ЯНГИ СУВ ИНШООТИ

**Республикамизда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада қишлоқ ҳудудларига ҳам етарли эътибор қаратилаётгани мақтовга арзигулик.**

Яқинда Жондор туманидаги Далмун қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида давлат бюджети ҳисобидан ажратилган 839 миллион сўм маблағ эвазига янги — “Далмун” сув иншооти ва умумий узунлиги салкам 3 километрга тенг сув қувури қуриб ишга туширилди. Қурилиш ишларини Иброҳим Сариев раҳбарлик қилаётган “Сахий” хусусий корхонаси бунёдкорлари қисқа вақт ичиданиҳоясига етказишди.

Ҳозирда тумандаги Далмун ва Лоло қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларига тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда. Иншоот тўла қувват билан ишлай бошласа, Мирзаён ва Ромиш қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларини ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилади.

**Ҳамроз АЛИ**

Тошкент Вилояти

## ТАРМОҚ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**“Оҳангарондонмаҳсулотлари” ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили модернизация ишлари муваффақиятли амалга оширилгач, ишлаб чиқариш қуввати тубдан ўзгарди.**

Корхонанинг уруғ тайёрлаш цехига Германиядан келтирилган умумий қиймати 674 миллион сўмлик “Петкус” русумли дастгоҳнинг ўрнатилиши ишлаб чиқариш қувватини бир неча баробар оширди. Натижада Бекобод, Пискент, Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига ўз муддатида сифатли уруғлик буғдой етказиб беришга эришилмоқда. Ун, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Шунингдек, корхонанинг ёрдамчи хўжалигида чорвачилик ва паррандачилик йўлга қўйилди. Бу эса янги иш ўринлари яратилиши баробарида ишчиларни сут, гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бермоқда. Шунингдек, 39,1 гектар экин майдонида чорва ҳамда паррандалар учун эса озуқа маҳсулотлари етиштирилмоқда.

— Мен 32 йилдан буён шу корхонада меҳнат қилиб келаман, — дейди Мақсуда Бойзоқова. — Қувонарлиси, йилдан-йилга даромадимиз ортиб бормоқда. Корхона томонидан ишчи-хизматчиларга доимо ғамхўрлик кўрсатиб келинади.

Обод турмуш йилида ҳам ишчи-хизматчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ**

НаВоий Вилояти

## ҲУНАРМАНДЛАР МАҲСУЛОТИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШМОҚДА

**Навоийда оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан, ҳунармандчиликка бўлган эътибор йил сайин ошиб бормоқда.**



Айни пайтда бу ерда республика «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлими аъзолари 600 нафардан ортиқ. Улар халқ ҳунармандчилигининг 30 дан кўпроқ тури билан шуғулланишяпти. Уюшма томонидан «Устоз-шогирд» анъанаси бўйича ёшлар, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида ҳомийлик асосида кўплаб тўгараклар ҳам ташкил этилган.

Вилоятда ҳунармандчиликнинг каштадўзлик, зардўзлик, тош ўймакорлиги, кулолчилик, гиламчилик, ёғоч ўймакорлиги, миллий либослар тикиш турлари, айниқса, яхши ривожланган. Эътиборлиси, ҳунармандлар маҳсулотларининг экспортга чиқарилаётганидир.

**Абдурасул САТТОРОВ**

Қашқадарё Вилояти

# ЕРНИ ЕР, ЭЛНИ ЭЛ ҚИЛАДИГАН ҲАМ ФЕРМЕР

**Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганидан буён орадан қисқа вақт ўтди. Шу муддатда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, унинг вилоят ва туманлардаги ҳудудий бўлимлари тугатилиб, Фермерлар кенгашлари ташкил этилди. Қишлоқ мулкдорлари фаолиятида жонланиш юз берди. Энди кенгаш билан барча ҳисоблашадиган бўлди. Унинг тавсиялари асосида ишни ташкил этишга киришилди. Жойлардаги ёнилғи, минерал ўғит таъминоти шохобчалари ҳам ўз ишларини қайтадан кўриб чиқишяпти. Мониторинг асосида кунлик сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилиб бориляпти. Бу ҳақда вилоят, туман Фермерлар кенгашларига ҳисобот бериб турилибди. Фермерларга хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартнома асосида иш ташкил этилган. Қишлоқда фермер ҳақиқий етакчи кучга айланмоқда. Элга элбоши бўляпти. Ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган ёшлар чин дилдан меҳнат қилишяпти. Ҳар бир тумандаги биттадан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида фермер хўжаликларининг раҳбарлари ўқувчилар билан очиқ мулоқот ўтказишяпти. Ўз навбатида, ёшлар амалиётларини фермер хўжаликларида ўтказиб, деҳқончилик ва чорвачиликнинг сир-асрорларидан воқиф бўлмоқдалар.**



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

**Бахтиёр САФАРОВ,**
*Қашқадарё вилояти Фермерлар кенгашининг раиси, Миришкор туманидаги "Сафар ота" фермер хўжалиги раҳбари.*

Айни пайтда вилоятимизда 7559 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, унинг 5 мингдан ортиғи пахта ва ғаллачилик билан шуғулланяпти. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам фермер хўжаликлари иш олиб боришяпти. Жорий йилдан бошлаб 1781 та фермер хўжаликларида тармоқларни кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Шунинг 342 таси боғдорчилик, 247 таси сабзавотчилик, 423 таси қорамолчилик, 108 таси паррандачилик, 71 таси балиқчилик, 61 таси эса асаларичилик билан шуғулланади. Сервис хизмати бўйича 485 та, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига ихтисослашадиган 40 та фермер хўжалиги ташкил этилаётир.

Кенг кўламли ишлар ўз самарасини беряпти. Ғузор туманидаги "Бурҳон" фермер хўжалигида чорвачилик тармоғига асос солинаётган бўлса, Қарши туманидаги "Нормурод бобо Шариф" фермер хўжалигида асаларичилик тармоғи ташкил этилди. Бундан ташқари, ўндан ортиқ фермер хўжалигига қайта ишлаш саноати кириб келди. Гўшт, сут, мевани қайта ишлаш учун замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилди.

Вилоятимиз деҳқонлари жорий йилда 149 минг гектар майдонда ғалла, 164 минг гектар ерда эса пахта етиштириш билан шуғулланадилар. Улар бир миллион тоннадан ортиқ ғалла етиштириб, шунинг 440 минг тоннасини давлатга сотадилар. Пахтачиликда ҳам 450 минг тонналик хирмон яратилади. Жорий йилда ҳам фермерлар мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Шу мақсадда қиш фаслини ҳам иш фаслига айлантиришган. Айни пайтда маҳаллий ўғит тўплаш жараёни, ғалла майсалари парваришига алоҳида эътибор қаратилган. Сув йўллари тартибга келтириляпти. Сув ўлчагичлар сифатли таъмирланди. Ҳар гектар майдондаги ғалла майсалари минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Таҳлиллар шундан далолат беряптики, майсалар ривожи ўтган йилга нисбатан бир ой олдинда бормоқда. Бундан ташқари, ҳар уч гектар майдонга ғалла учун "шарбат" ўра қазилди. Гектарига 8-10 тоннадан гўнг солинди. Чигит экиладиган майдонларни ҳам баҳорги экин-тикин ишларига тайёрлаш уюшқоқлик билан боряпти. Ерлар текисланиб, пушта олинмоқда. Чигит экиш ва ғалла ўримйиғимида фойдаланиладиган техника воситалари жойлардаги муқобил машина-трактор паркида сифатли таъмирланяпти.

Фермер хўжалигимизда ҳам ишлар кўнгилдагидек ташкил этилган. 31,5 гектар ерда буғдойнинг серҳосил навлари парвариш қилинмоқда. 60 центнерлик маррани эгаллаш учун барча имкониятлар мавжуд. 63 гектар ерга пахтанинг "Бухоро-6" нави чигитини қисқа муддатда экиш учун техника воситалари мавсумга шай қилиб қўйилди. Чўл шароитида гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун барча имкониятлар етарли. Бундан ташқари, фермер хўжалигимизда чорвачилик ҳам мавжуд. 126 бош қорамолнинг 40 боши соғин сигир бўлиб, улардан кунига 10-15 литрдан сут соғиб олинмоқда. Айниқса, зотли моллар маҳсулдорлиги юқори бўляпти.

Техника паркимизда "Класс Доминатор" дон ўриш комбайни, "Олтой" ҳайдов, "МТЗ-80" чопиқ, "ТТЗ-80-10" русумли тракторлар ва бошқа механизмлар бор. "Агробанк"дан уч йил муддатга имтиёзли кредит олиб, 97 миллион сўмга "МТЗ-80" чопиқ трактори харид қилмоқчимиз. 15 километрлик сув йўллари тартибга келтирилди. Ёнилғи, ўғитни шохобчадан ўз вақтида олиб турибмиз.

Давр биздан изланишни, доимо янгиликка интилишни тақозо этмоқда. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари илғор фермер хўжаликларининг бир ҳафталик ўқувида буни яна бир бор англадик. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, хориждан сутни қайта ишлаш ускунасини келтирамиз. Шу билан бирга, Хитойдан гилам тўқишда қўлланиладиган замонавий русумдаги жиҳозни харид қилиш бўйича келишиб олдик. Бу Жейнов араби гиламларининг замонавий, янги нусхасини яратишга имкон беради. Натижада янги тармоқларда 20 та янги иш ўрни юзага келади.

Самарқанд Вилояти

**Оқдарё туманидаги "Шалола" фермер хўжалиги раҳбари Сайёра Расулова ҳовлисига қуёш батареяси ўрнатди. Янгилик, қулайликни кўрган қишлоқдошлари "Қандини урсин, меҳнатининг ҳузурини кўряпти" дейишди. Фермернинг турмуши обод. Ўзида "Спарк", ўғли ва эрида "Нексия" автомашинаси бор. Уй-жойи ҳавас қиларлик. Буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат ортидан.**

# «ҚУЁШЛИ» САЙЁРА

Сайёра Расулованинг фермер бўлганига ўн олти йил бўлди. Ишлади. Ёнида турмуш ўртоғи, ўғли камарбаста бўлди. Хўжаликнинг 56 гектарлик экин майдони ҳосилдор ерларга айланди. Техника базаси мустаҳкамланди.

– Чигит ёки ғалла униб чиқишидан то ҳосил йиғиб олингунча бўлган жараёнлардаги меҳнати самараси бу, – дейди туман ҳокими Нурали Бердибоев. – Даладаги барча ишларнинг хонадонидагидек саранжом-саришталигига ҳавас қиласиз. Даласи обод кишининг кўнгли обод, турмуши фаровон бўлади-да.

Фермер хўжалигида саккиз киши меҳнат қилади. Турмуш ўртоғи Жаҳонгир ва ўғли Дўстқобил механизатор. 2 та замонавий трактор, учта тиркама, плуг ва бошқа керакли техникалар доимо ишга шай қилиб қўйилган.

Ширин Эшонқулов, Маъриф Абдиев, Зафар Абдиев, Насим ва Искандар Абдумуродов каби ишчиларнинг астойдил меҳнати билан ҳосилдорлик йил сайин ошиб боряпти.

– Ўтган йили 26 гектар майдонда пахтачилик билан шуғулландик, – дейди фермер. – Ҳар гектар майдондан режадаги 23,5 центнер ўрнига 36 центнердан ошириб ҳосил олдик. 70 тонна ҳосилнинг 67 тоннасини биринчи навга топширдик. Ғалладан 38 миллион сўм даромад қилдик. Пахтачиликда бу кўрсаткич 40 миллиондан ошди. Бундан ташқари, пилладан, икки гектарлик боғимиз ва бир гектар майдондаги ўрмондан келадиган даромадлар ҳам анчагина.

Президентимиз ташаббуси билан 2013 йил "Обод турмуш йили" деб номлангани бизни хурсанд қилиб юборди. Мақсадимиз — бу йилда юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшиш.

**Абдурасул САТТОРОВ**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Тузатишлар "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Хўжалик процессуал, Божхона, Солиқ кодексларига, мамлакатимизнинг бошқа қонунларига киритилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси хўжалик судларида иш юритишни янада такомиллаштириш, судлар ва процесс иштирокчилари ўртасида ҳужжатлар алмашинуви тизимини соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида суд процесси иштирокчиларини хабардор қилиш, уларга суд ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини электрон почта орқали юбориш учун хўжалик судлари замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиши назарда тутилган. Хўжалик суди билан процесс иштирокчилари ўртасида электрон ҳужжат айланиши тизимининг жорий этилиши одил судловнинг ошкоралигини кўпроқ таъминлашга қаратилгандир. Бундан ташқари, акциядор ва акциядорлик жамияти, бошқа хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг иштирокчилари ўртасида уларнинг фаолиятидан келиб чиқадиган низоларнинг, меҳнат низолари бундан мустасно, хўжалик судларига тааллуқлилигини назарда тутувчи норма жорий этилмоқда.

Қонунчилик палатаси батафсил муҳокамадан сўнг юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқуллади ва депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда уларни биринчи ўқишда қабул қилди. Ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ҳамда таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан партия дастурлари ва сайловчилар фикрлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарларини баён этдилар. Депутатлар жамиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хўжалик суди ишлари юритишни такомиллаштириш учун кўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

**Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати**

Сирдарё Вилояти

# ОМИЛКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**Боёвут тумани деҳқонлари ҳақида гап кетганда, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиб келаётган "1-Боёвут" сув истеъмолчилари уюшмаси миришкорлари алоҳида тилга олинади. Боиси, янги яратилган навлар, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган янги техника воситалари ҳам шу ҳудудда илк бор синовдан ўтади-да. Жумладан, ғўзанинг "Ан-Боёвут-2" нави ушбу ҳудудда — ҳосилот-олим Худойқул Маҳкамов даласида яратилганди. Шўрга чидамли, ўрта толали ушбу нав бошқаларига нисбатан эртароқ пишиб етилади.**

Ҳар йили ушбу навдан мўл ҳосил етиштириб келаётган уюшма деҳқонлари ўтган йилда ҳам ўзларининг омилкор эканликларини амалда исбот этдилар. 3219 гектар майдондан режадаги 9 минг 900 тонна ўрнига 11 минг 750 тонна юқори сифатли пахта топширилди. Ҳудуддаги "Ғайбуллаев Абдураҳмон", "Салтанат Эргашева", "Беҳзод", "Йўлчи", "Зокир Жумаобидов", "Маҳкамов Жаҳонгир", "Одилхўжа Мавлонов", "Қўнғирот", "Бойсари", "Усмонов Ўткирбек" каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 45 центнердан ошди. Ҳосилдан бўшаган майдонларни ўз вақтида шудгорлаш, шўр ювишни сифатли ўтказиш, вегетация даврида минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш ютуқларни қўлга киритишда асосий омил бўлди.

— Ғаллачиликда 50 центнердан ошириб дон етиштирган учта фермер хўжалиги раҳбари даромад ҳисобидан "Нексия" автомашинаси олди, — дейди "1-Боёвут" сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Абдували Шодиев. — Пахтачиликда қўлга киритган ютуқларимиз бундан ҳам салмоқли бўлди. Терим якунига кўра, 40 центнердан ошириб пахта топширган 10 нафар фермер даромади ҳисобидан "Нексия" автомашинаси олди. Яқинда туман Фермерлар кенгаши раиси этиб сайланган "Ғайбуллаев Абдураҳмон" фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Ғайбуллаев ҳам пахтадан, ҳам ғалладан юқори натижаларга эришганлиги боис, бир йўла иккита енгил автомобиль оляпти. Бу Президентимиз томонидан фермерларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар меваси, ҳалол меҳнат ва изланишлар самарасидир.



2013 йилда катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қилаётган деҳқонлар баҳорги шудгор ва экин-тикин ишларига тайёргарликни пишиқ-пухта амалга оширишмоқда. Уюшмада 72 та культиватор, 17 та ҳайдов тракторި, мавжуд сеялка ва бороналар тўла таъмирдан чиқарилиб, тахт ҳолга келтириб қўйилди. Техникаларни таъмирлаш ишлари марказлашган ҳолда, иккита устахонада бажариляпти. Зарур кичик деталларни мавжуд цехларнинг ўзида ясаш орқали ортиқча чиқим ва оворагарчилик бартараф этилди. Таъмирчи усталарга ишлаш учун етарлича шароит яратиб берилганлиги ишнинг юқори суръатда боришини таъминламоқда.

Айни чоғда уюшмада созланган техникаларни кўрикдан ўтказиш чоралари кўрилаётир. Шудгорланган майдонларда чел олиниб, яхоб бериш тадбирлари бошлаб юборилди. Ғалла майдонларини қўшимча озиқлантириш мақсадида 2000 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит жамғарилди. Хуллас, эртанги ҳосилга бугундан замин яратилишини яхши тушунган "1-Боёвут" сув истеъмолчилари уюшмаси омилкорлари бугунги агротехник тадбирларни сифатли бажаришиб, кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.**

# МЎЛ ҲОСИЛГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН

**(Боши 1-саҳифада)**

Умумий узунлиги 4897,3 километрни ташкил этувчи очиқ коллектор дренажлари, 305 дона тик мелиоратив қудуқлар, 14 дона мелиоратив насос агрегатлари, 622 дона кузатув тармоқлари, 572 дона қувурли ўтиш жойлари, 57 дона сув ўлчаш иншоотларида кенг кўламдаги таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Амалга оширилган ана шу ишларга давлат хазинасидан 17179,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу, ўз навбатида, 56432 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига олиб келди.

Жорий йилда вилоят бўйича 32042 гектар экин майдонининг шўрини ювиш кўзда тутилган. Соҳа мутахассисларининг таҳлил ва тавсиясига кўра, ерларнинг шўрланиш даражасига қараб, 23905 гектар майдонда бир маротаба, 7342 гектар майдонда икки маротаба, ўта кучли шўрланган 795 гектар майдонда уч маротабагача ушбу тадбир ўтказилмоқда.

Шўр ювиш ишларини уюшқоқлик билан сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида ишчи гуруҳлари штаблари ташкил этилиб, улар таркибига тажрибали ирригатор ва соҳа мутахассислари жалб қилинди. Айниқса, шўр ювиш ишларида 3 минг нафарга яқин моҳир сувчилар иштирок этганлиги, уларга зарур иш шароити яратиб берилганлиги яхоб беришни барвақт якунлашда муҳим омил бўлди.

Халқимиз орасида "Қиш ғамини ёзда, ёз ғамини қишда е" деган ҳикматли нақл бор. Ана шу ҳикматга амал қилаётган вилоят мелиораторлари, фермерлари жорий йилда ҳам пахта, ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хоразм Вилояти

▼ БАНК – ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

# КРЕДИТЛАР – ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚЛАР РИВОЖИГА

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳаларни янада такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ва молия муассасалари томонидан уларга йўналтирилаётган сармоялар бугунги кунда ўз самарасини бераётир. Асосийси, қўшимча иш ўринлари ташкил қилиниб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланишига эришилмоқда. Бу жарёнга "Агробанк" ОАТБ ҳам муносиб улуш қўшмоқда.**

"Агробанк"нинг Хоразм вилояти туман ва шаҳар бўлимларида фаолият юритаётган 12 та филиал, 45 та мини банки мавжуд бўлиб, Обод турмуш йилида ҳам 17 мингдан зиёд юридик шахс мақомига эга бўлган мижозга тезкор ва сифатли банк хизматларини кўрсатиб келаётир. 2013 йил 1 февраль ҳолатига кўра, банкнинг жами кредит қўйилмаси 66 млрд. 122,6 млн. сўмни ташкил қилди.

— Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган Фармонида фермер хўжаликларида кўптармоқлиликни янада ривожлантиришга ва фермерларнинг иқтисодий базасини яхшилашга алоҳида урғу берилганди, — дейди "Саид бобо" фермер хўжалиги раҳбари Саиджон Саидов. — Кўптармоқлиликни тараққий эттиришда банкнинг кредит маблағлари жуда қўл келмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида "Агробанк"нинг Қоровул филиалига мурожаат қилгандик. Банк бизга 70 млн. сўм кредит ажратди. Кредит ҳисобига 10 бош қорамол ва улар парвариши учун ем маҳсулотлари сотиб олдик. Бу билан аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга бироз бўлса-да, бош қўшяпмиз. Шу билан бирга, 5 нафар киши ишли бўлди. Банк билан ҳамкорлик қилиб кам бўлмаяпмиз. Меҳнатимизга яраша турмушимиз янада фаровонлашмоқда.

— Обод турмуш йилида юртимизни янада обод қилиш ва бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдамиз, — дейди "Қўшкўпир силикат ғишт заводи" МЧЖ раҳбари Ботир Бекчанов. — Қурилиш материаллари, тешикли силикат ғишт ишлаб чиқариш мақсадида "Агробанк"нинг Қўшкўпир филиалига бизнес лойиҳамизни тақдим қилдик. Банк жамоаси лойиҳани маъқуллашди ва бизга 1 млрд. 300 млн. сўм кредит маблағи ажратди. Бунинг эвазига 30 нафар киши янги иш ўрнига эга бўлди. Демак, шунча оиланинг хонадонига қут-барака кирди. Эзгу ният билан бошланган ишнинг эртаси бор, дейишади. Бугунги кунда Хитой давлатидан ишлаб чиқариш ускуналари олиб келиш учун керакли ишлар амалга оширилмоқда.



Бундан ташқари, банкнинг Шовот филиалидан "Рўзимов Баҳром" фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 100 млн. сўм (сармоя эвазига 50 бош наслли қорамол сотиб олиниб, 8 та янги иш ўрни яратилди), Янгиариқ филиали томонидан "Хоразм балиқ" МЧЖга балиқчиликни тараққий эттиришга 300 млн. сўм (кредит ҳисобига йилига қўшимча 200 тонна балиқ етиштиришга ва 25 та иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди), Қўшкўпир филиалидан "Иқбол" ХИЧСФга паррандачиликни ташкил қилишга 98 млн. сўм (бунинг эвазига 11 нафар киши ишли бўлди) кредит маблағлари йўналтирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан аҳолига гўшт, сут маҳсулотлари, балиқ ва тухум етказиб бериш кўпаймоқда.

Шунингдек, молия муассасасининг Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йил 1 февраль ҳолатига кўра, ажратилган кредитлар қолдиғи 14 млрд. 717 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 13 млрд. 664 млн. сўми банкнинг ўз маблағлари, 1 млрд. сўмдан ортиғи бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилди.

Жаҳондаги кўплаб давлатларда ҳали-ҳануз озиқ-овқат танқислиги муаммоси ва иқтисодий инқироз сезилаётган бир даврда юртимиз бозорларининг барқарорлиги озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланаётир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижросидан келиб чиқиб, молия муассасаси томонидан ўтган ҳисобот йилида ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга 8 млрд. 945 млн. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 6 млрд. 533 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Обод турмуш йилида банк томонидан ажратилаётган сармоялар юртимизни янада обод қилиш, халқимиз турмуш тарзини яхшилашга ҳисса бўлиб қўшилаверади.

**Озод ОЧИЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.**

*ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!*

# ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

**Лот №39-1. Внутрипоселковые улицы и дороги в посёлке «Бешбулок» Дехканабадского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **301.709.425 сум без НДС, 362.051.310 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №39-2. Строительство внутриплощадочной автодороги посёлка «Назартепа» Касбинского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **172.516.118 сум без НДС, 207.019.342 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №39-3. Строительство внутриплощадочных автодорог посёлка «Муглон» Касбинского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **152.772.138 сум без НДС, 183.326.565 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №39-4. Строительство внутриплощадочной автодороги посёлка «Дуреза» Касбинского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **157.054.811 сум без НДС, 188.465.773 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №39-5. Строительство внутриплощадочной автодороги посёлка «Уникки» Касбинского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **145.810.082 сум без НДС, 174.972.098 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №39-6. Строительство внутриплощадочных автодорог посёлка «Тошкургон» Касбинского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **142.452.321 сум без НДС, 170.942.785 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1 месяц.**

**Лот №39-7. Строительство внутриплощадочных автодорог посёлка «Чармгар» Китабского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **195.555.145 сум без НДС, 234.666.174 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №39-8. Строительство внутриплощадочной автодороги посёлка «Навруз» Касанского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **85.493.587 сум без НДС, 102.592.304 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1 месяц.**

**Лот №39-9. Строительство внутриплощадочной автодороги в посёлке «Арабхона» Касанского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **167.951.008 сум без НДС, 201.541.210 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №39-10. Строительство внутриплощадочной автодороги посёлка «Бойгунди» Касанского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **241.175.148 сум без НДС, 289.410.177 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №40-1. Внутрипоселковые улицы и дороги в посёлке «Янги Миришкор» Миришкорского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **179.731.826 сум без НДС, 215.678.191 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №40-2. Внутрипоселковые улицы и дороги в посёлке «Янги Жейнов» Миришкорского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **111.720.248 сум без НДС, 134.064.298 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1,5 месяца.**

**Лот №40-3. Внутрипоселковые улицы и дороги в посёлке «Янги Коракум» Мубарекского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **716.575.542 сум без НДС 859.887.050 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком – **2 месяца.**

**Лот №40-4. Внутрипоселковые улицы и дороги в посёлке «Янги хаёт» Нишанского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **305.617.492 сум без НДС, 366.740.990 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком – **1,5 месяца.**

**Лот №40-5. Строительство внутриплощадочной автодороги посёлка «Хужаабдужаббор» Чиракчинского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **216.955.513 сум без НДС, 260.346.616 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком – **2,5 месяца.**

**Лот №40-6. Внутриплощадочные улицы и дороги в посёлке «Янгибог» Шахрисабзского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **340.333.826 сум без НДС, 408.400.591 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком – **2 месяца.**

**Лот №41-1. Внутрипоселковые улицы и дороги в посёлке «Чумич» Яккабагского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **116.085.072 сум без НДС, 139.302.086 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком – **1,5 месяца.**

**Лот №41-2. Строительство внутриплощадочной автодороги в посёлке «Туртогайни» Яккабагского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **112.957.468 сум без НДС, 135.548.962 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком – **1,5 месяца.**

**Лот №41-3. Строительство внутриплощадочных автодорог посёлка «Окгузар» Камашинского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **273.500.770 сум без НДС, 328.200.924 сум с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком – **1,5 месяца.**

**Лот №41-4. Внутрипоселковые улицы и дороги в посёлке «Богобод» Каршинского района Кашкадарьинской области.**

